

Авиация инжиниринги (Авиасозлик)

Авиасозлик йўналишида учиш аппаратлари конструкцияси, учиш аппаратлари мустаҳкамлиги, учиш аппаратлари аэродинамикаси ва парвоз динамикаси, ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш технологияси, учиш аппаратлари куч қурилмалари, учиш аппаратлари конструкцияларини лойиҳалаш, учиш аппаратларини ишлаб чиқаришда йиғув монтаж ва синаш ишлари, ҳаво кемалари жиҳозлари, учиш аппаратлари деталларини ишлаб чиқариш технологияси каби фанлардан кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда корхона мутахассислари назарий ва амалий билим берадилар. Авиасозлик бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига Авиасозликдаги мавжуд технологиялар ва технологик жараёнлар, уларни лойиҳалаш учун жиҳозларни танлаш, методлари, усуллари ва воситалар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ўқишни тугатгандан сўнг битирувчилар Ўзбекистон Республикаси авиация соҳаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бўйича фаолият олиб борадилар, хусусан "Тошкент механика заводи" АЖ, "Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи" ДУК ва "Uzbekistan airways technics" ОАЖ корхоналарида.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Авиасозлик йўналиш бўйича олий касбий таълим олгандан сўнг, талабалар технолог, конструктор, ишлаб чиқариш механиги, цех устаси, цех оператори, автоматик линия маркази оператори, намунавий методикалари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришда фаол қатнашиш каби касбий фаолияти турлари билан шуғулланади.

Авиация инжиниринги (Учувчисиз учиш аппаратлари авиация мажмуалари)

Учувчисиз учиш аппаратлари авиация мажмуалари йўналишида учувчисиз учиш аппаратлари (УУА) конструкцияси ва мустаҳкамлиги, УУА аэродинамикаси ва парвоз динамикаси, УУА конструкцияларини лойиҳалаш, УУА деталларини ишлаб чиқариш технологияси ва техник эксплуатацияси, УУА бошқарув тизимлари каби фанлардан учувчисиз учиш аппаратларни тарихини, фойдаланиш низом ва қоидаларини, “Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси”нинг асосий талаб ва функцияларини, классификаторларини, тамойил ва конструкциялари билан танишишларини, УУА учун ишлатиладиган композицион материалларини, парвозни бошқариш, УУАда видеокузатувларни, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишларни, УУАини лойиҳалашни, УУАини қўллашни хилма-хиллигини, УУАини бошқариш усулларини ўрганади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ўқишни тугатгандан сўнг битирувчилар Ўзбекистон Республикаси авиация соҳаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда учувчисиз учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича фаолият олиб борадилар, хусусан "Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи" ДУК, "Uzbekistan airways technics" ОАЖ, "Uzbekistan Helicopters" ОАЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулода вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр қўмитаси таркибидаги корхоналарда.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Учувчисиз учиш аппаратлари авиация мажмуалари йўналиш бўйича олий касбий таълим олгандан сўнг, талабалар лойиҳалаш, ишлаб чиқариш жараёнлари, кесиш асбоблари, юқори унумли типик технологик жихозлар, учувчисиз авиация комплексларини ишлаб чиқариш усуллари ва жихозлари, уларни эксплуатацияси, рақамли дастурда бошқариладиган технологик дастгоҳлар объектларида намунавий технологик ва ностандарт технологик жихозлар элементлари, мослама ва ўлчаш асбоблари, қисмлари ва деталлари, қўйма, механик ишлов бериш, штамплаш, елимлаш, йиғиш жараёнлари, автоматик бошқариш ва ростлаш тизимларини лойиҳалаш, цех устаси, цех оператори, автоматик линия маркази оператори, технолог, конструктор, ишлаб чиқариш механиги каби касбий фаолияти турлари билан шуғулланади.